



" 22 " июл 20 13 у. № 8

“Саноат маҳсулотининг физик ҳажми индексини Иқтисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичи (ИФУТ-2) асосида ҳисоблаш бўйича услубий низом”ни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, халқаро стандартларга мослаштирилган Иқтисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичини статистика амалиётига жорий этиш ва ундан фойдаланган ҳолда иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш сектори ривожланишининг асосий индикатори ҳисобланадиган физик ҳажм индексини аниқлаш мақсадида, Давлат статистика қўмитаси қарор қилади:

1. “Саноат маҳсулотининг физик ҳажми индексини Иқтисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичи (ИФУТ-2) асосида ҳисоблаш бўйича услубий низом” иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор 2013 йилнинг 1 августидан бошлаб кучга киритилсин.

Раис

 Б.Тўраев